O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 7 май сешанба

Сотувда эркин нархда № 96 (2924)

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*

*ҚАРОРИ*

## Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида

***Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш ва улар юкларини божхонада расмийлаштириш тартибини соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. 2002 йил 1 июндан бошлаб тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар учун:

уларни юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган товарлардан қўшилган қиймат солиғи, божхона божлари ва йиғимлар ўрнига ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутувчи божхона тўловлари ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилсин.

Белгилансинки, жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган акциз солиғи солинадиган товарларга амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ставкалар бўйича акциз солиғи солинади.

2. Белгилаб қўйилсинки, ТИФ ТН кодидан ва товарнинг келиб чиқиш мамлакатидан қатъи назар, товарларнинг барча тоифалари бўйича божсиз олиб кириш нормалари қўлланилмаган ҳолда товарнинг божхона қийматидан:

озиқ-овқат товарлари (ундан ташқари) бўйича 50 фоиз;

ноозиқ-овқат товарлари бўйича 90 фоиз;

тижорат фаолияти учун мўлжалланган ун олиб келишда нуль ставка миқдорида ягона божхона тўлови ундирилади.

3. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 1-бандига мувофиқ, юридик шахс ташкил этмасдан экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, улгуржи ва чакана савдо қилиш ҳуқуқи билан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан олиб келинган товарларни сотиш товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганлигини ва божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан биргаликда ўн кун муддатда Ягона божхона тўловини ундириш ва унинг суммасини давлат бюджетига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

Бунда табақалаштирилган ставкалар қўлланилиши назарда тутилсин, улар олиб келинадиган товарларнинг физик ўлчов бирликлари ва божхона қиймати билан ўзаро мувофиқлаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда товарларнинг хусусиятидан, миқдоридан ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши даражасидан келиб чиқиб, товарларнинг олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда олиб чиқилган ва олиб кирилган товарлар ҳажмларининг божхона органларида электрон ҳисобга олиниши тизимини ишлаб чиқсин ва жорий этсин (маълумотлар ҳар чоракда солиқ органларига берилган ҳолда).

6. Давлат солиқ қўмитаси Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ва Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши билан келишган ҳолда:

импорт қилувчи жисмоний шахсларда тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда товар мусодара қилинади;

алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари сотувчи улгуржи ва чакана савдо субъектларида, шунингдек, умумий овқатланиш субъектларида алкоголли маҳсулотлар ва тамаки маҳсулотлари белгиланган тартибга мувофиқ сотилишини режадан ташқари текшириш ҳуқуқи берилсин.

Бунда ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига мазкур банднинг бажарилиши натижалари тўғрисида ахборот тақдим этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 6 май.



Нуъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

## Фахрийлар боши осмонда

*Бугуннинг гапи*

Шанба куни нисбатан кам ишлайдиган таҳририят телефони устма-уст жиринглади.

— Алло, бу «Халқ сўзи»ми? Биз Сурхондарёдан. Газетангиз орқали Президентга миннатдорчилигимизни етказмоқчи эдик.

Ҳаяжонли овоз ёши улуғ одам гапираётганини билдириб турарди.

— Марҳамат, отахон! Давом этинг.

— Юртбошимиз имзо чеккан қарорда биз, уруш қатнашчиларига 9 минг сўмдан ҳайитлик бериладиган бўлибди. Бу харажатлар давлат хазинасидан бериларкан. Гап пулда эмас-у, шунчалик эътибордан бошимиз осмонга етди. Ўзи-ку, Ислом Каримов туфайли тўрт-беш ойдан бери ҳамманинг оғзидан қариялар тушмай қолувди. Навбатдаги ғамхўрлик жуда бинойи бўлди. Беш вақт номозимизда у кишининг омонлигини Эгамдан сўраймиз. Кўриб турибмиз-ку, ён-атрофдаги давлатларда жон сақлашдан бошқани ўйлашмаяпти. Болам, сал эзмалик қилиб юбормадимми? Унибуни қўй, бизнинг шунча хурсанд бўлганимизни Президентга етказасанми-йўқми?

— Худо хоҳласа. Сиздай табаррук отахоннинг гапига йўқ, деб бўладими?!

— Барака топ, — шундан кейин телефондаги ҳамсуҳбатим менинг номимга ҳам узундан-узоқ дуо қилиб трубкани қўйди.

Ўйланиб қолдим. Ҳаёт қизиғ-а. Эзгулик уруғи дарҳол мева беради. Ҳурмат-эҳтиром жавобсиз қолмайди. Ҳозир бутун Ўзбекистонимиз бўйича қанча хонадонда кўнгиллар обод бўлдийкан? Маълумотларга кўра, бугун юртимизда 51 мингдан зиёд уруш қатнашчиси умргузаронлик қилмоқда.

Биздан жангга борганлар олис ўлкаларда шу фашист деганининг оёғи менинг юртимга, қишлоғимга етмасин, деб ўт-олов ичра жон олиб-жон беришган. Бало-қазони ўша жойда даф қилиш учун курашган. Фақат бола-чақасининг бахтига, юртининг бахтига соғ-омон қолганларигина Ўзбекистонга қайтиб келишган. Уларнинг ҳам давраси сийраклашиб қолгани бу дунёнинг ғаниматлигини эслатиб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги қарори моҳиятан фақат уруш фахрийларигагина тааллуқли эмас. Бу эътибор замирида ёшларимизга, ҳамма-ҳаммамизга Ватан эркинлиги ва шаъни ҳимоячиларини муносиб эъзозланг, шарафланг, деган даъват бор.

Ҳа, даврамизнинг тўри, қалбимизнинг қўри Сиз, мўътабар инсонлар учун! Фарзандларингиз, невара-чевараларингиз, бутун Ўзбекистон Сизга таъзимда! Яратгандан сўраганимиз — соғ-омон юриб, мустақил юртимиз камоли учун дуо қилсангиз кифоя. Эзгу дуолар ижобати учун бел боғлаб ишлашга — биз тан.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

*Олий Мажлисда*

## Маҳаллага спорт ҳам керак

### Сурхондарё вилоятидаги 671 маҳалладан 143 тасидагина спорт майдончалари бор, холос

Олий Мажлиснинг Ёшлар ишлари қўмитаси йиғилишида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши муҳокама қилинганда ана шундай рақам тилга олинди.

Қонун талабларининг ижросини ўрганиш натижаси шуни кўрсатдики, вилоятда жисмоний тарбия ва спорт жамоат бирлашмаларини тузиш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, «Ёшлик», касаба уюшмалари, «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамиятлари ва мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил этилган. Туманларда эса касаба уюшмаларининг жисмоний тарбия-спорт жамиятлари, «Ватанпарвар» ташкилотининг спорт-техника клублари фаолият юритмоқда.

Жисмоний тарбия-спорт бирлашмалари томонидан ҳар йили кўплаб спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Халқ таълими тизимидаги «Олимпиада умидлари», «Умид ниҳоллари», «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақалари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бунга мисол бўла олади.

(Давоми 2-бетда).

## ТЕКШИРИШЛАР БОТАРТИБ БЎЛСИН

Пойтахт ҳокимлигида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика Кенгаши Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқарган мажлисда пойтахт назорат органлари томонидан 2002 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган текширишлар якунлари ва ҳудудий комиссияларнинг бу борадаги ишлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун талабларининг жойлардаги ижроси кўриб чиқилди.

Юртимиз ҳудудларида ташкил этилган бундай комиссиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг текширишларни ташкил этишни тартибга солиш тўғрисидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масала юзасидан қабул қилган қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида фаолият юритади.

Ана шу қоидаларга амал қилган ҳолда шаҳар назорат органлари томонидан текшириладиган хўжалик субъектлари сони ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сезиларли даражада камайишига эришилди.

Мажлисда соҳада йўл қўйилган камчиликларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгиланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЛОЙИҲА ТАҚДИМОТИ

Сирдарё ва Жиззах вилояти деҳқонларига обиҳаёт етказиб бераётган 400 километрлик Жанубий Мирзачўл каналини модернизациялаш, сув ресурсларидан фойдаланишни такомиллаштириш мақсадига йўналтирилган махсус лойиҳа ишлари ниҳоясига етди.

Франция томонидан ажратилган грант маблағлари ҳисобига амалга оширилувчи лойиҳанинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жалолов, Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси, жаноб Ж.Костий қисқа вақт мобайнида ўзбек ва француз мутахассислари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритди.

Мазкур лойиҳа ишлари сувдан фойдаланишда бошқарув тизимини автоматлаштириш ва телекоммуникация тармоғини жорий этиш имконини беради. Шунингдек, сув сарфи ва ундан фойдаланишни қатъий назорат қилади.

Тақдимот маросимида вилоят ҳокими У.Яманқулов иштирок этди.

**Йўлчи ЖЎРА,**
**ЎзА мухбири.**

## Ердан унумли фойдаланиш – давр талаби

*Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитасида давлат ер кадастрини юритиш технологияларини такомиллаштириш ва мониторингини ташкил этишга бағишланган илмий-амалий семинар бошланди*

Мазкур қўмита раиси Э.Қурбонов анжуманни очар экан, мамлакатимизда истиқлол йилларида халқимизнинг миллий бойликларидан бири — ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалигида кечаётган туб ислоҳотларнинг самараси бевосита ердан унумли фойдаланишга боғлиқ. У қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда асосий восита ва манбадир. Афсуски, ердан фойдаланишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган йиғилишидаги маърузасида юртимизда табиий ресурслардан, хусусан, ердан фойдаланишда жойларда жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигига алоҳида эътибор қаратгани бежиз эмас. Кўплаб ерлар, энг аввало, суғориладиган экинзорлар қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб кетмоқда.

Анжуманда бу каби камчиликларга йўл қўймаслик учун ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш борасида давлат назоратини амалга ошириш билан бир қаторда жойларда кенг кўламли тушунтириш ишларини олиб бориш зарурлиги таъкидланди. Бу эса ер муносабатларини тартибга солиш, ундан унумли фойдаланиш, ер кадастрини ва мониторингини юритишни такомиллаштириш ҳамда ер тўғрисидаги қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларга қатъий амал қилишни тақозо этади.

Икки кун давом этадиган анжуманда ерларни харитага олиш, давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастрини юритиш, мониторингини ташкил қилиш билан боғлиқ кўплаб мавзуларда фикр алмашилади.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

фаолияти объектлари мониторинги олиб борилишини амалга оширади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари амалга оширилиши устидан мониторинг олиб борилиши тартибини белгилайди;

шаҳарсозлик фаолияти айрим турларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда лицензиялар беради;

аҳолини шаҳарсозлик фаолиятидан мунтазам хабардор қилиб боради;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизимига қуйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари;

туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари);

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат экспертизаси бош бошқармаси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат архитектура-қурилиш назорати бош бошқармаси.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларига (бўлимларига) тегишинча бош архитекторлар бошчилик қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари, шунингдек, туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) ўз ваколатларига тааллуқли масалаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига бўйсунадилар.

**22-модда. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг ваколатлари**

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари:

вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини режалаштириш тарҳлари ҳамда туманларни (туманлар гуруҳларини) режалаштириш лойиҳалари, аҳоли пунктларининг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва ўз ҳудудларига оид бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилишини ташкил этади;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат олиб боради;

вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этади;

вилоят, Тошкент шаҳар ҳудудини ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

16

вилоят, Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органларига шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда тегишли ҳудудда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан таклифлар киритади;

бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг лойиҳалари тасдиқланишига розилик беради;

тегишли ҳудуддаги шаҳарсозлик фаолияти объектлари бўйича лойиҳалаштириш ишларини ва комплекс муҳандислик қидирувларини ҳамда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг муаллифлик назоратини мувофиқлаштириб боради;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда қуриш қоидаларини ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

**23-модда. Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармаларининг (бўлимларининг) ваколатлари**

Туманлар ҳамда шаҳарлар архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари):

аҳоли пунктларини шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш юзасидан таклифлар киритади;

аҳоли пунктларининг бош режаларини, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш чораларини кўради;

тегишли ҳудудда шаҳарсозлик фаолияти объектларини жойлаштириш ҳамда муҳандислик, транспортга оид ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифлар киритади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат экспертизаси бош бошқармасининг ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Давлат экспертизаси бош бошқармаси:

шаҳарсозлик ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш масалалари юзасидан услубий ҳужжатларни ишлаб чиқади;

шаҳарсозлик ҳужжатлари масалалари бўйича буюртмачилар, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар ва бошқа ташкилотлар ўртасидаги келишмовчиликларни кўриб чиқади;

шаҳарсозлик ҳужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш учун лойиҳалаштириш, илмий-тадқиқот ва бошқа ташкилотларни, шунингдек, мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ, бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Давлат экспертизаси бош бошқармасининг шаҳарсозлик ҳуж-

17

Қирқиш чизиғи

Буклаш чизиғи

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг*

*ҚАРОРИ*

### Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини амалга киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ў. Султонов) ўз қарорларини Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Кодексга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган "Архитектура ва шаҳарсозлик тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 264-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси**
**Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 4 апрель.

32

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК КОДЕКСИ

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари**
**2002 йил**

